

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

201 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 2013 йил 29 январдаги ПҚ–1913-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 2013 йил 29 январдаги ПҚ–1913-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 8 апрель,
100-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 8 апрелдаги 100-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқлан-

ган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

а) 5¹-бандга қўйидаги мазмундаги 10-кичик банд қўшилсин:

«10) Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, шунингдек ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материаллар, шу жумладан мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини харид қилиш»;

б) 5³ ва 5⁴-бандлардаги «1, 3 — 9-кичик бандларидаги» сўзлари «1, 3 — 10-кичик бандларидаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 335-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари ҳамда улар доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ярмаркалари (кейинги ўринларда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси деб аталади) хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан хорижий харидорларни республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик шартномалари, шунингдек маҳсулотларни экспортга етказиб бериш учун шартномалар тузишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар йили ўтказилади»;

б) 7-бандда:

ўнинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари доирасида истеъмол қилишга мўлжалланган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш»;

ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.